

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

СОБИРОВ ЖАСУР ҒАЙБИЛЛАЕВИЧ

**МУЛЬТИФОКАЛ АТЕРОСКЛЕРОЗНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ
СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Собиров Жасур Гайбиллаевич

Мультифокал атеросклерозни хирургик даволаш стратегиясини

ишлаб чиқиш..... 3

Собиров Жасур Гайбиллаевич

Разработка стратегии хирургического лечения мультифокального

атеросклероза..... 33

Sobirov Jasur Gaybillaevich

Development of surgical treatment strategy of multifocal

atherosclerosis 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 69

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

СОБИРОВ ЖАСУР ҒАЙБИЛЛАЕВИЧ

**МУЛЬТИФОКАЛ АТЕРОСКЛЕРОЗНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ
СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.DSc/Tib878 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Миллий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Расмий оппонентлар:	Рузибоев Санжар Абдусаломович тиббиёт фанлари доктори, доцент. Комаров Роман Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор. Абдурахманов Маъмур Мустафоевич тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Етакчи ташкилотлар:	«А.Н.Бакулев номидаги юрак қон-томир илмий миллий тиббиёт маркази» (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В.Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Б.Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, замонавий тиббиёт тараққиётига қарамасдан, аввалам бор хавфли омиллар ҳақидаги илмий ишлар, уларни бартараф этишга қаратилган фаол кураш, янги дори воситалари ва хирургик даволаш усулларининг татбиқ этилишига қарамасдан юрак қон томир касалликлари асосий ўлим сабаби бўлиб қолмоқда (31%). 2019 йилда 18,56 млн. инсон юрак қон томир патологиясидан вафот этди, шундан 7,4 млн. тож томирлар патологиясидан ва 6,7 млн. инсултдан. Б.Г. Гафуровнинг (2016) маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ҳар йили 66 мингдан ортиқ инсулт рўйхатга олинади, бу эса ҳар 100000 аҳолига 178,1 тани ташкил этади. Бунда ишемик ва геморрагик инсултнинг ўзаро нисбати 4,8:1 га тенг. Ишемик инсулт структурасида 70-74% ни атеротромботик, 16-20% - кардиоэмболик ва 10% - лакунар тури ташкил этади. Барча юрак қон томир касалликларининг 20% дан ошиғини, аксарият қисми атеросклероз бўлган, оёқ артерияларининг суриккали окклюзион-стенотик касалликлари ташкил этади. Бу эса барча аҳоли сонининг 2-3% га тўғри келади. Оёқ артериялари атеросклерози ташхиси қўйилгандан кейинги дастлабки 5 йилда, беморларнинг 50% дан ортиғи мультифокал атеросклерознинг кўриниши бўлган инфаркт ва инсултдан вафот этади. Бундан ташқари, тўпиқ-елка индексининг ҳар 0,1 га пасайиши миокард инфаркти ривожланиши хавфини 10% га оширади.

Жаҳон амалиётида, тарқалган атеросклерознинг оғир асоратлари бўлган инфаркт, инсулт ва оёқ гангреналарини камайишига туртки бўладиган, асимптом зарарланишларни эрта аниқлаш ва даволашга қаратилган скрининг ишларига катта эътибор берилмоқда. Шунга қарамасдан, АҚШ ва Оврупа давлатларида атеросклероз ва унинг асоратлари тиббиётдаги биринчи рақамли муаммо бўлиб қолмоқда ва инсулт катта ёшдаги аҳоли ўлим кўрсаткичига кўра учинчи ўринга чикди. Шу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, ҳалқаро юрак қон томир ва эндоваскуляр хирурглар жамиятлари томонидан ҳар бир артериал ҳавзани диагностикаси ва давосига қаратилган бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, сўнгги ўн йилликда амалиётга қадар хавфли омилларни баҳолашнинг кўп сонли усуллари ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган. Улар, асосан, тож томирлари, аорта ёйи тармоқлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланишини даволашнинг узок муддатли натижаларига таъсир қилувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган хирургик ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланишининг устувор йўналиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини татбиқ

этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»¹ каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Мультифокал атеросклероз билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш, такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари кўплаб етакчи илмий марказлар, олий ўқув юртлари, юрак қон томир хирурглар жамиятлари, шу жумладан. Department of Vascular Surgery, Leicester Royal Infirmary (Leicester, United Kingdom); Department of Vascular Surgery, St Thomas' Hospital, Westminster Bridge Road (London, United Kingdom); West China Hospital of Sichuan University (Chengdu, China); Department of Cardiology, University of Tor Vergata (Rome, Italy); Department of Cardiology, Motol University Hospital, 2nd Medical School, Charles University (Prague, Czech Republic); Department of Vascular Surgery, Royal Perth Hospital (Western Australia, Australia); Department of Surgery, Western Sydney University School of Medicine (Sydney, Australia); Mayo Clinic (Rochester, USA); Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine (Seoul, Korea); Centre Hospitalier Universit aire Sainte-Justine (Montreal, Canada); «А.В.Вишневский номидаги хирургия миллий тиббиёт тадқиқот маркази» ФДБМ (Москва, Россия); Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон); Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази (Ўзбекистон); Тошкент Тиббиёт Академияси (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилган.

Мультифокал атеросклерознинг диагностикаси ва беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бутун дунё бўйлаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли хил ечимлар таклиф қилинди, жумладан: «гибридли тасвир» (МСКТ ва ПЭТ; МСКТ ва ягона фотонли эмиссион компьютер томографияси) бир сессияда икки турдаги тасвирни амалга ошириш имконини бериши аниқланди (Department of Vascular Surgery,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Leicester Royal Infirmary, Leicester, United Kingdom); каротид стентлаш натижалари каротид эндартерэктомия натижалари билан таққослаш мумкин бўлган муқобиллиги кўп марказли рандомизацияланган клиник тадқиқотлар билан исботланди (Department of Cardiology, Motol University Hospital, 2nd Medical School, Charles University, Prague, Czech Republic); брахиоцефал артерияларнинг кўплаб атеросклеротик зарарланишларини хирургик даволаш тактикаси масаласи долзарб эканлиги ва операцияларнинг тактикаси, босқичлари ва ҳажми бўйича аниқ тавсиялар йўқлиги аниқланди, бу эса ушбу муаммони янада жиддий ўрганишни талаб қилади, хусусан, ҳар бир ҳолатда ёндашув индивидуал бўлиши ва шикастланиш даражаси, шунингдек, ҳар бир клиниканинг тажрибасига асосланган бўлиши керак (Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine, Seoul, Korea).

Айни пайтда дунёда кўплаб артериал ҳавзалар атеросклеротик зарарланиши бўлган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Беморлар ушбу контингентининг барқарор ўсиши, терапевтик тактикага ёндашувларнинг ноаниқлиги ва бош миянинг ишемияга нисбатан паст ва критик толерантлиги бўлган беморларни даволашда қониқарсиз натижалар ушбу патологиянинг клиник жиҳатларини мукамал ўрганиш зарурлигини белгилайди. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, турли муаллифлар томонидан тақдим этилган маълумотлар иқлими, экологияси, турмуш тарзи ва менталитети билан фарқ қилувчи дунёнинг турли минтақаларида беморларни даволашга асосланган. Ушбу клиник жиҳатлар бўйича кейинги тадқиқотлар, замонавий диагностика усулларининг пайдо бўлиши, хирургияда янги эндоваскуляар технологиялар, каротид ва вертебробазилар ҳавзалар патологиясининг замонавий концепцияси, шубҳасиз, кўплаб атеросклеротик зарарланишларида даволаш муаммосини ангиохирургиянинг замонавий босқичи янги позициялари нуқтаи назаридан ўрганиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда турли артериал ҳавзалар атеросклеротик зарарланиши оқибатида юзага келадиган касалликлар сони тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Бу патология юқори ўлим ва ногиронлик кўрсаткичи билан характерли, ташхислаш ва даволаш етарлича мураккаб ва музокарали бўлиб қолмоқда (Асраров У.А., 2018; Каримов Ш.И., 2021). Бир неча артериал ҳавзалар қўшма зарарланган беморлар, адекват хирургик давони танлаш ва даволаш натижаларига кўра энг мураккаб беморлар гуруҳини ташкил этади. Тож томирлари, қорин аортаси, оёқ артериялари ва аорта ёйи тармоқлари қўшма атеросклеротик зарарланиши кенг тарқалган, баъзи маълумотларга кўра, бундай қўшма зарарланишлар 50-60% га етади. Бундай турли артериал ҳавзалар қўшма зарарланишлари кўпроқ кекса (65-74 ёш) ва қарияларда (75-84 ёш) аниқланади (Каримов Ш.И., 2020; Barbetta I., 2015).

Турли артериал ҳавзалар қўшма атеросклеротик зарарланишлари, одатда, кескин клиник кўринишда кечади, самарасиз оқибат билан характерланади, хирургик муолажалар асорат ва ўлимнинг юқори хавфига эга. 5 йиллик яшаш кўрсаткичи коронар атеросклерозли беморларда 70%, уйқу артериялари изоляцияланган стенотик зарарланишларида –80%, оёқ артериялари

облитерацияловчи атеросклерозида – 85% дан кўпроқни ташкил этади. Шу билан бирга, бу кўрсаткич бир неча артериал ҳавзалар қўшма зарарланишларида 50% дан ошмайди (Алиджанов Х.К., 2018; Барбараш Л.С., 2023). Бу муаммони ҳал қилишда, қорин аортаси ва оёқ артериясида реконструктив амалиётлар вақтида кўп миқдордаги, инфаркт ва инсульт юзага келиши ҳам долзарблаштиради. Мультифокал атеросклерозли беморларда, реконструктив амалиётлардан кейин артериал ҳавзаларда декомпенсация оқибатида 15-17% ҳолатларда ишемик неврологик, 17-23% да – кардиологик асоратлар юзага келади. Қўшма амалиётлардан кейин ўлим кўрсаткичи ўртача 6% ни ташкил этади (Алиджанов Х.К., 2019; Белов Ю.В., 2021).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бундай гуруҳ беморларни прогнозлаш, асоратлар эҳтимолини баҳолаш ва оптимал хирургик даволашни танлашга қаратилган масалалар ҳозиргача мунозарали бўлиб қолмоқда. Текширув усуллари жуда кўп, лекин уларни интеграл баҳоловчи усул ва бу беморларда артериал ҳавзаларда хирургик муолажа босқичлари масаласида ягона тўхтамга келинмаган, бу эса даволаш-диагностика тактикасини яхшилашни талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши қуйидаги илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган: FM-20230414707 ”Қон айланиш касалликлари (уйку ва ёнбош артериялари атерокальцинози) клиник-биокимёвий ва патогентик муаммолари, неврологик, когнитив, суяк бўғимлари асоратлари, даволаш” (2023-2025й).

Тадқиқотнинг мақсади замонавий диагностика усуллари кўллаш, натижаларни интеграл баҳолаш ва оптимал тактикани танлаш йўли билан мультифокал атеросклеротик (аорта ёйи тармоқлари, тож томирлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари қўшма атеросклерози) зарарланган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мультифокал атеросклерозли беморларда метаболик синдром компонентларини комплекс лаборатор баҳолаш ва экстракараниал зарарланишлар ангиосемиотикасини ўрганиш ва аорта ёйи тармоқлари қўшма зарарланишларининг анатомик таснифлаш;

бу гуруҳ беморларда хирургик даволаш тактикасини танлашда ҳар бир артериал ҳавза зарарланишлари оғирлигини интеграл баҳолаш;

уч ва ундан ортиқ артериал ҳавзалар қўшма атеросклеротик зарарланган беморларда асорат ривожланиш хавф даражасини баҳолаш ва хавфли омилларни хирургик даволаш натижасига таъсирини ўрганиш;

хавфли омилларни ҳисобга олган ҳолда кўп сонли зарарланишларда хирургик даволаш кетма-кетлигини аниқлаш ва мультифокал атеросклерозли беморларни хирургик даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш;

ушбу гуруҳ беморларда хирургик даволашнинг яқин ва узоқ натижаларини таҳлил қилиш ва таклиф этилган хирургик даволаш стратегиясини клиник ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2001-2023 йилларда хирургик даволанган 117 та мультифокал атеросклерозли беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида турли артериал ҳавзаларда эндоваскуляр, реконструктив амалиётлар натижаси, артериал ҳавзалар зарарланиш ангиоархитектониқаси ва ишемия юзага келган аъзолар функционал ҳолати таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (уйқу артерияси УТДС, ТКДГ, МСКТ-ангиография, коронарография, МРТ, КТ, рентген-ангиографик текширув ва б.), махсус (хавфли омилларни ўрганиш ва артериал ҳавзалар зарарланишининг оғирлигини интеграл баҳолаш усуллари) ва статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мультифокал атеросклероз билан касалланган беморларда метаболик синдром компонентларини гипертриглицеридемия, гиперхолестеринемия, комплекс лаборатор кўрсаткичлари баҳоланган ва экстракариниал артериялар зарарланишлари ангиосемиотикаси ўрганилиб, қўшма зарарланишларининг анатомик таснифи таклиф этилган;

аорта ёйи тармоқлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини интеграл баҳоловчи усулларни уч ва ундан ортиқ артериал ҳавзаларнинг қўшма атеросклеротик зарарланган беморларда қўлланилган;

оёқ артериялари атеросклеротик зарарланган беморларда интеллектуал (smart) прогностик усулини қўллаб, хавф омиллари (чекиш, артериал гипертония, қандли диабет ва бошқ.) нинг хирургик даволашнинг яқин натижаларига таъсири баҳоланган;

уч ва ундан ортиқ артериал ҳавзалар атеросклеротик зарарланишлари оғирлигини интеграл баҳолаш ва даволаш-диагностика тактикаси алгоритмининг яхшилаш эвазига Li/Ci кўрсаткичларининг - 1,5 гача, 1,5 - 2,5 ортасида ва 2,5 дан юқори ҳолатларга кўра хирургик даволашнинг оптимал тактикаси таклиф этилган.

мультифокал атеросклерозни даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги асоратларни даволаш натижалари, қўшма атеросклеротик зарарланишларда хирургик даволашнинг иқтисодий самарадорлигини йиллик ҳаёт сифат кўрсаткичи орасидаги QALY фарқи 0,57 ни ташкил этганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

уч ва ундан ортиқ артериал ҳавзалар атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда хавфли омилларни ўрганиш асосида, 90% дан ортиқ беморлар амалиётдан кейинги асоратлар ривожланиш юқори хавфига эга эканлиги аниқланган;

тадқиқот гуруҳларида амалиётга қадар хавфли омилларни коррекция қилиш натижасида, амалиётдан кейинги асоратлар эҳтимоллиги камайтириши исботланган;

текширувлар клиник, гемодинамик ва ангиосемиотик натижаларини интеграл миқдорий ўлчаш усули тадқиқот гуруҳларида қўлланилган;

клиник амалиётда ҳар бир беморда хавф даражасини баҳолаш ва хирургик даво натижасини яхшилашга ёрдам берувчи хирургик тактиканинг даволаш-диагностика алгоритми таклиф этилган;

уч ва ундан ортик артериал хавзалар атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда хирургик муолажалар оптимал кетма-кетлиги аниқланган;

мультифокал атеросклерозни хирургик даволашнинг иқтисодий самарадорликни QALY ларда аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган ҳолатлар, хулоса ва таклифлар уч ва ундан ортик артериал хавзаларнинг қўшма атеросклеротик зарарланган беморларда диагностиканинг клиник, гемодинамик, ангиосемиотик натижаларини интеграл баҳолаш ва хирургик тактикани оптималлаштиришда катта ҳисса қўшишидан иборат. Ишнинг айрим натижалари бир неча артериал хавзалар атеросклеротик зарарланган беморлар диагностикаси ва даволаш бўйича магистрлар ва клиник ординаторларни ўқитиш дастури таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги асосий хулоса ва тавсиялар тиббиёт муассасалари қон томир хирургия бўлимида қўшма атеросклеротик зарарланган беморлар диагностикаси ва даволашда қўлланиши мумкинлигидан иборат. Интеграл баҳолаш усули ва хирургик тактикани танлашнинг оптималлаштирилган алгоритминини қўллаш амалиётдан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш имконини берган. Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, бир неча артериал хавзалар атеросклеротик зарарланган беморларни даволаш натижасига таъсир этувчи ўртача 5-6 та хавфли омил билан амалиётдан кейинги даврда асоратлар ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳни ташкил этади. Босқичли ва қўшма амалиётлар миқдорий ва сифат кўрсаткичларига асосланган қатъий кўрсатмалар билан бажарилиши керак.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Мультифокал атеросклерозни хирургик даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида

(Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 22.10.2024 й. 07/08-сон хулосаси):

Биринчи илмий янгилик: мультифокал атеросклероз билан касалланган беморларда метаболик синдром компонентларини гипертриглицеридемия, гиперхолестеринемия, комплекс лаборатор кўрсаткичлари баҳоланган ва экстракарниал артериялар зарарланишлари ангиосемиотикаси ўрганилиб, қўшма зарарланишларининг анатомик таснифи таклиф этилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: мультифокал атеросклероз билан касалланган беморларда метаболик синдром компонентларини гипертриглицеридемия, гиперхолестеринемия, комплекс лаборатор кўрсаткичлари бўйича таклифлар Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 16 апрелдаги 2-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Экстракарниал томирлар атеросклеротик зарарланишининг диагностикаси ва даволаш тамойиллари» ва 2024 йил 16 апрелдаги 3-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Мультифокал атеросклерозни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 01.08.2024 й. 120-1/І-сон буйруғи ва Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси 06.08.2024 й. 89-І-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: уч ва ундан ортиқ артериал хавзалар атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда хавфли омилларни ўрганиш асосида, 90% дан ортиқ беморлар амалиётдан кейинги асоратлар ривожланиш юқори хавфига эга эканлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: мультифокал атеросклероз билан касалланган беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 4 576 480 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 855 300 сўм сарфланади. Агарда беморларда тўлиқ йиллик иқтисодий кўрсаткич 1 810 900 сўмни ташкил этади (бир нафар бемор учун). Хулоса: Амалиёт аорта ёйида кўрсатма бўлган икки томонлама зарарланишларда биринчи босқичда каротид индекс C_i юқори томонда. Қорин аортаси ва оёқ артерияларининг кўп қаватли атеросклерозида амалиётга кўрсатма бўлганда биринчи босқичда зарарланиш индекси (L_i) кўрсаткичи юқори томонда амалиёт бажарилиши керак.

Иккинчи илмий янгилик: аорта ёйи тармоқлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини интеграл баҳоловчи усулларни уч ва ундан ортиқ артериал хавзаларнинг қўшма атеросклеротик зарарланган беморларда қўлланилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: аорта ёйи тармоқлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини интеграл баҳоловчи усуллар бўйича таклифлар Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 16 апрелдаги 2-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Экстракарниал томирлар атеросклеротик зарарланишининг диагностикаси ва даволаш тамойиллари» ва 2024 йил 16 апрелдаги 3-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Мультифокал атеросклерозни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг

амалиётга жорий қилиниши: Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 01.08.2024 й. 120-1/І-сон буйруғи ва Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси 06.08.2024 й. 89-І-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тадқиқот гуруҳларида амалиётга қадар хавфли омилларни коррекция қилиш натижасида, амалиётдан кейинги асоратлар эҳтимоллиги камайтириши исботланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аорта ёйи тармоқлари, қорин аортаси терминал қисми ва оёқ артериялари зарарланган беморлар даволаниши орқали умумий ўртача 1 280 600 сўм сарфланади. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган комплекс даво натижасида ижобий натижалар 2 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 3 821 500 сўмни ташкил этади. Хулоса: Зарарланишлар оғирлигини интеграл баҳолаш C_i -индекси ва L_i -индекси атеросклеротик ўзгаришлар оғирлигини ўртача $C_i - 4,4 \pm 0,2$ ва $L_i - 9,5 \pm 0,4$ баллни ташкил этиб, C_i ва L_i бош мия ва оёқ суринали ишемияси босқичларида I дан IV га тўғри пропорционал ўсиб боради.

Учинчи илмий янгилик: оёқ артериялари атеросклеротик зарарлан беморларда интеллектуал (smart) прогностик усулини қўллаб, хавфли омилларнинг хирургик даволашнинг яқин натижаларига таъсири баҳоланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: оёқ артериялари атеросклеротик зарарлан беморларда интеллектуал (smart) прогностик усулини бўйича таклифлар Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 16 апрелдаги 2-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Экстракарниал томирлар атеросклеротик зарарланишининг диагностикаси ва даволаш тамойиллари» ва 2024 йил 16 апрелдаги 3-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Мултифокал атеросклерозни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 01.08.2024 й. 120-1/І-сон буйруғи ва Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси 06.08.2024 й. 89-І-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: текширувлар клиник, гемодинамик ва ангиосемиотик натижаларини интеграл миқдорий ўлчаш усули тадқиқот гуруҳларида қўлланилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: оёқ артериялари атеросклеротик зарарлан беморларда интеллектуал (smart) прогностик усулини қўллаш билан одатда умумий ўртача 1 180 400 сўм сарфланади. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган минимал инвазив жарроҳликни ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 5 311 800 сўмни ташкил этади. Хулоса: Экстракарниал атеросклероз ангиосемиотикасини ўрганиш натижасида аорта ёйи тармоқларининг 4 типдан иборат қўшма зарарланишлар анатомик таснифини таклиф этилди.

Тўртинчи илмий янгилик: уч ва ундан ортиқ артериал хавзалар атеросклеротик зарарланишлари оғирлигини интеграл баҳолаш ва даволаш-диагностика тактикаси алгоритмини яхшилаш эвазига хирургик даволашнинг оптимал тактикаси таклиф этилган. Илмий янгиликнинг

аҳамияти: уч ва ундан ортик артериал хавзалар атеросклеротик зарарланишлари оғирлигини интеграл баҳолаш ва даволаш-диагностика тактикаси алгоритми бўйича таклифлар Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 16 апрелдаги 2-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Экстракарниал томирлар атеросклеротик зарарланишининг диагностикаси ва даволаш тамойиллари» ва 2024 йил 16 апрелдаги 3-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Мультифокал атеросклерозни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 01.08.2024 й. 120-1/І-сон буйруғи ва Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси 06.08.2024 й. 89-І-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: клиник амалиётда ҳар бир беморда хавф даражасини баҳолаш ва хирургик даво натижасини яхшилашга ёрдам берувчи хирургик тактиканинг даволаш-диагностика алгоритми таклиф этилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: атеросклеротик зарарланишлари оғирлигини интеграл баҳолаш билан беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 6 893 350 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 6 648 800 сўмни (1 нафар беморга) ташкил етади. Хулоса: Метаболик синдром компонентларини комплекс лаборатор ўрганиш шуни кўрсатдики, оёқ артерияларининг шикастланиши гипертриглицеридемия фонида, коронар артериялар зарарланиши гиперхолестеринемия фонида, мультифокал атеросклерозда метоболик синдромнинг барча кластери ошган бўлади.

Бешинчи илмий янгилик: мультифокал атеросклерозни даволашнинг яқин ва узок муддатдаги асоратлар ва даволаш натижалари, қўшма атеросклеротик зарарланишларда хирургик даволашнинг иқтисодий самарадорлигини йиллик ҳаёт сифат кўрсаткичида (QALY) баҳоланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: мультифокал атеросклерозни даволашнинг яқин ва узок муддатдаги асоратлар ва даволаш натижалари, қўшма атеросклеротик зарарланишларда хирургик даволашнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича таклифлар Миллий тиббиёт маркази Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 16 апрелдаги 2-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Экстракарниал томирлар атеросклеротик зарарланишининг диагностикаси ва даволаш тамойиллари» ва 2024 йил 16 апрелдаги 3-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Мультифокал атеросклерозни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 01.08.2024 й. 120-1/І-сон буйруғи ва Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси 06.08.2024 й. 89-І-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: уч ва ундан ортик артериал хавзалар атеросклеротик зарарланишлари бўлган беморларда хирургик муолажалар оптимал кетма-кетлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қўшма атеросклеротик зарарланишларда хирургик даволашнинг иқтисодий самарадорлигини йиллик

ҳаёт сифат кўрсаткичида (QALY) баҳоланган беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 6 893 350 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 6 648 800 сўмни (2 нафар беморга) ташкил этади. Хулоса: Мультифокал атеросклерозли беморлар ўртача 5-6 та хавфли омилларга (гурухларда $5,8\pm 0,2$ ва $6,26\pm 0,23$ балл), SMART бўйича 410 баллга (гурухларда 407 ± 11 ва $407\pm 12,3$ балл) эга бўлиб асорат ривожланиш хавф даражаси ўта юқори (95%) ва амалиётгача адекват муолажаларни талаб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та бўлиб, шу жумладан, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 2 та IAP патенти, 17 та мақола, улардан 12 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти келтирилган, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мультифокал атеросклероз муаммосининг замонавий ҳолати”**, деб номланган биринчи боби етти бўлимдан иборат бўлиб, унда бир неча артериал ҳавзаларнинг гемодинамик аҳамиятли қўшма зарарланган беморларни ташхислаш ва хирургик даволашни танлашнинг замонавий қарашлари, бу беморларни даволашнинг долзарб ва мунозарали масалалари кўрсатилган. Хавфли омиллар юқори бўлган ўта оғир аҳволдаги беморларда, анаъанавий хирургик даволаш усуллари қўллаш муаммоларни юзага келтиради. Замонавий диагностика усуллари жуда кўп, лекин артериал ҳавзалар зарарланишини ягона баҳолашга (зарарланишнинг клиник, гемодинамик и топик натижаларини) қаратилган илмий ишлар йўқ. Шунингдек, хирургик даволаш тактикасини танлашга қаратилган масалалар мунозарали бўлиб, кўпчилик муаллифлар индивидуал ёндошувга эга, аммо миқдорий ва сифатий баҳолашга қаратилган ишламалар етарли эмас. Мультифокал атеросклерозли беморларни хирургик даволашнинг яқин ва узоқ натижалари келтирилиб, асоратлар юзага келган ҳолатлар таҳлил қилинган. Хирургик даволашнинг иқтисодий самарадорлиги бевосита ва узоқ даврларда QALY ларда ўрганилган.

Диссертациянинг **“Илмий изланишнинг материал ва қўлланилган услублар клиник тавсифи”**, деб номланган иккинчи бобида материал, услубларнинг клиник тавсифи ва текширув натижалари келтирилган. Тадқиқот ишида Миллий тиббиёт маркази ва Академик В. Вохидов номидаги РИХИАТМ да 2003 – 2024 йиллар оралиғидаги даврда мультифокал атеросклероз билан хирургик даволанган 117 беморнинг хирургик даволаш натижалари таҳлилига асосланган. Тадқиқотга уч ва ундан ортиқ артериал ҳавзада гемодинамик аҳамиятли торайиш бор беморлар ажратиб олишган. Қўлланилган даволаш диагностика тактикасига кўра беморлар икки гуруҳга бўлиб ўрганилган;

-таққослаш гуруҳида 53 (45,3%) нафар беморга 2003-2012 йилларда даволаш диагностика тактикаси ишлаб чиқиш босқичида операция ўтказилган.

-асосий гуруҳни 64 (54,7%) бемор ташкил этиб, уларга 2013-2024 йилларда хирургик даволашни танлашнинг оптималлаштирилган тактикаси қўлланилган.

Иккала гуруҳда эркак жинсига мансуб беморлар - 97,7% ни ташкил қилди, беморларнинг ёши 39 дан 82 гача бўлиб, ўртача ёш кўрсаткичи $61 \pm 0,7$ ёшни ташкил қилди.

Тадқиқотлар давомида қуйидаги текширувлар ишлатилган: аорта ёйи тармоқлари зарарланишини ташхислаш усуллари (уйқу артериялари УТДС, ТКДГ, МРТ ва МСКТА); тож томирлар зарарланишини ташхислаш усуллари (ЭКГ, ЭхоКГ, коронарография, ўнг вентрикулография, холтер тести); оёқ томирлар зарарланишини ташхислаш усуллари (УТДГ, МРТ ва МСКТА). Узоқ муддатли иқтисодий самарадорликни ўрганиш учун QALY сонини аниқланди.

Гурухлар орасида клиник кечиши, ўтказилган ишемик инсульт, миокард инфаркти орасида ишончли фарқ аниқланмади. Барча касаллар мурожаат қилганда, БМКАЕ А.В. Покровский бўйича (1979), оёқ ишемияси P. Fontaine (1954), юрак ишемик касаллиги зўриқиш стенокардиясининг функционал классларининг (ФК) NYHA клиник таснифи билан таснифланди (2.4 -жад.). Бунда беморларнинг асосий қисмини беморларнинг БМКАЕ асимптом босқичи (60,6%), оёқлар критик ишемияси (60,7%) ва ЮИК нинг ФК асосий қисмида (41,5%) II-III ФК (NYHA). Юрак ритми бузилиши - 13,8% ва тўртдан бири (25%) анамнезида МИ ўтказган. УТДС натижасига кўра уйқу артерияси торайиши ўртача: таққослаш гурухда тегишли равишда чапда-64,1±3,1%, ўнгда-66,9±3,4% ва асосий гурухда чапда-64,1±3,1%, ўнгда-66,9±3,4% бўлган. ЭхоКГ маълумотларига кўра қисқариш хажми ўртача 57% (49-80%), турли сегментлар кинетика бузилиши (а-, гипо-, дискинезия) 53 (45,3%) ҳолатда аниқланди. КДО гурухларда мос равишда: 143±5,0 (61-255 мл) ва 140±4,8мл (70-235 мл) ташкил этди (2.6-жад.). Миокардда клиник (ФКIII-IV) ва функционал ўзгариш аниқланганда тож томирларини визуализацияси бажарилди. Беморларнинг 90% да аорто-ёнбош сегментининг зарарланишлари аниқланган. Беморларнинг иккала гуруҳида Д типидagi зарарланишлар пайдо бўлиш частотаси бўйича (56,4%) (гуруҳларда мос равишда 58% ва 55%) кўпроқ тарқалган. С ва Д турдаги зарарланишлари бўлган беморларда очик амалиётга кўрсатма бўлган, А ва Б турдаги зарарланишлари бўлган беморларда, иккинчи тўсиқ бўлмаса, эндоваскуляр амалиёт бажарилган. TASC II тавсияларига кўра чов ости зарарланишлар беморларнинг ҳар иккала гуруҳида мос равишда 22,97% С типи, 32,3% Б типи, 13,6% А типи эканлигини кўрсатди ва 31,2% ҳолларда Д турдаги зарарланишлар бўлган. С ва Д турдаги зарарланишлари бўлган беморларда очик амалиёт кўрсатма бўлган.

Биёкимёвий текширувнинг мақсади оёқ артерияларининг изоляцияланган ва қўшма атеросклерози бўлган беморларда метоболик синдром (МС) таркибий қисмларини ўрганиш эди. Шу мақсадда оёқ томирлари атеросклерози бўлган 76 эркак текширилди. Текширувдан ўтган эркакларнинг ўртача ёши 60,2±1,4 ёшни ташкил этди. Оёқ артерияларининг изоляцияган ва мультифокал атеросклерози бўлган беморларда метоболик синдромни аниқлаш учун барча беморлар 4 гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ 30 (39%) оёқ артериялари изоляцияланган зарарланишлари бўлган беморлардан иборат; оёқ ва уйқу артерияларининг комбинацияланган зарарланишлари бўлган 24 (32%) беморлар иккинчи гуруҳи; учинчи гуруҳ – оёқ ва тож артерияларнинг комбинацияланган зарарланишлари бўлган 12 (16%) бемор; тўртинчи гуруҳ - учта қон томир соҳасининг қўшма

атеросклеротик зарарланишлари бўлган 10 (13%) бемор киритилди (оёқ, каротид ва коронар артерияларнинг шикастланиши).

Текширилаётган беморларда метаболик синдромнинг таркибий қисмларининг тақсимланиши қуйидагича эди: периферик атеросклерозда семизликсиз гипертриглицеридемия энг кенг тарқалган; оёқ артериялари ва каротид тизими артерияларининг қўшма зарарланишида артериал гипертензиянинг ҳиссаси ошади; оёқ ва тож артерияларининг атеросклерозида семизлик ва гипергликемия бўлган беморларнинг сони сезиларли даражада ошган, ва учта артериал ҳавзанинг томирлари зарарланишида беморларнинг ярмидан кўпида тўлиқ МС кластери кузатилди. Семизлик ва ортиқча вазн оёқ артериялари зарарланишлари бўлган беморларнинг текширилган когортасида топилмади, аммо қон босими (КБ) ва гипертриглицеридемия кўтарилган. Қон босимининг 130/85 мм. рт. ст. дан ошиши периферик атеросклероз билан оғриган беморларнинг 30% да, 3 та артерия ҳавзаси томирлари шикастланган беморларнинг барчасида (100%) кузатилган. Гипертриглицеридемия МС нинг энг кенг тарқалган таркибий қисми бўлиб чиқди, бу МА билан оғриган беморларнинг 2/3 қисмида ва периферик атеросклерозли беморларнинг 83 фоизида кузатилган. Оёқ артерияларининг изоляцияланган зарарланиши бўлган 1-гуруҳдаги беморларда триглицеридлар миқдори 2,3 баравар кўпайиши фонида қон плазмасидаги фибриноген (ФИБ) концентрациясининг 1,2 баравар ортиши кузатилди. ЛПОНП назорат гуруҳига нисбатан 1,75 марта ошган Бу ҳолда гиперфибриногенемия гиперкоагуляция ва тромбознинг предиктори, шунингдек тизимли яллиғланишнинг фаоллашувининг белгисидир [66]. Оёқ артериялари зарарланишлари бўлган беморларда тож артерияси зарарланишларининг қўшилиши гиперхолестеренемиянинг $5,3 \pm 0,11$ ммол/л гача кўтарилиши бўлган, бу назорат гуруҳига қараганда 1,4 баравар кўп, КА 3-гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳидан 2,2 баравар юқори бўлган.

Диссертациянинг **“Хавф омилларини ва артериал ҳавзалар зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш”**, деб номланган учинчи бобида уч ва ундан ортиқ артериал ҳавзалар қўшма зарарланган беморларни даволашда хавф омилларини баҳолаш ва зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот остидаги гуруҳларда 12 хавф омилининг (ёш - 60 дан юқори, агар эркак жинси +1, чекиш, артериал гипертония, қандли диабет, ишемик инсульт, оёқлар критик ишемияси, қорин аортаси аневризмаси, ЮИК, МИ тарихи, аритмия, суринкали бронхит) мавжудлигини ўрганиш натижалари, шуни кўрсатдики иккала гуруҳда беморлар ўртача 5 дан ортиқ хавф омилларига эга (1-жад.).

1-жадвал

Хавф омилларини аниқлаш натижалари

Гуруҳ	Таққослаш (53)	Асосий (64)	Жами (117)
Минимал хавф (3гача)	2 (3,77%)	2 (3,1%)	3,4%
Ўрта хавф (4-5)	17 (32,1%)	26 (40,6%)	36,75%
Юқори хавф (6дан куп)	34 (64,1%)	36 (56,25%)	59,8%
Ўртача балл	6,26±0,23	5,8±0,18	
Натижалар ишончлилиги	$\chi^2=1,11; df=186; p=0,27$		

Таҳлил шуни кўрсатадики, омилларни коррекцияси натижасида асорат юзага келиш эҳтимолий хавфини юқоридан ($5,4\pm 0,18$) ўрта ($3,0\pm 0,13$) даражага тушириш мумкин ($p<0,05$).

37 (31,6%) беморда КВГ натижаларини «SYNTAX SCORE» (SS) (<http://ir-nwr.ru/calculators/syntaxscore/frameset.htm>. манзилида онлайн калькуляция) бўйича баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, тож артериялари зарарланган беморларда SS даражаси 0 дан 22 гача - 47,8% ва 23 дан 32 гача - 39,1% ҳолларда, ўртача SS = $20,8\pm 2,15$ балл ва бу кўрсаткичлар гуруҳлар ўртасида фарқ қилмади (2-жадвал). «SYNTAX SCORE» балли 23 дан юқори бўлган ушбу беморларда асосий бирламчи вазифа коронар қон айланишини тузатиш эди.

2-жадвал

Гуруҳларда «SYNTAX SCORE» даражаси

балл	Таққослаш гуруҳи. n-15 (28,3%)	Асосий гуруҳ. n-22 (34,37%)	Жами n-37 (31,6%)
0-22	6 (54,5%)	5 (41,7%)	47,8%
23-32	5 (45,5%)	4 (33,3%)	39,1%
33+	-	3 (25%)	13%
Ўртача	20±0,7	22±3,4*	20,8±2,15
p	$T=2,57; df=145; p=0,01$		

SMART бўйича хавфни баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, беморларнинг таққослаш гуруҳида ўртача балл мос равишда $406,9\pm 12,3$ ва асосий гуруҳда - $407,3\pm 10,85$ тегишли равишда бўлган ($p=0,2$) (3-жад.). Натижадан кўриниб турибтики, юқори қон босимини даволаш хавфни мос равишда $407,3\pm 10,85$ дан $335,4\pm 12$ баллгача камайтиради ($p<0,05$). Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, операциядан кейинги даврда SMART даражасини баҳолаш уни $236,7\pm 10,5$ баллгача камайтиришга имкони берди ($p<0,01$).

Беморларда SMART хавфни баҳолаш натижаси

Гурух	Таққослаш гурухи (53)	Асосий гурух (64)	Асоратлар эҳтимоли	
Ўртача умумий балл	406,9±12,3	407,3±10,85балл		
P	T= 2.29; df= 186; p= 0.2			
Умумий риск			1-йил	5-йил
Паст (<100)	0	0	0%	1%
Ўрта (101-225)	2 (3,77%)	3 (4,7%)	1%	5%
Юқори (226-350)	12 (22,6%)	10 (15,62%)	3%	12%
Жуда юқори (>351)	39 (60,94%)	51 (79,7%)	10%	28%
P	$\chi^2=11,3$; df=2; p=0,004			

Текширувларнинг клиник, функционал, гемодинамик, топографик маълумотларини ягона баҳолаш тизими - артериал ҳавзаларнинг зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш усули ишлаб чиқилди. «Интеграл» (лотинчадан Integer – яхлит) тушунчаси – ҳар томонлама - яъни қизиқтираётган барча фактор ва уларни баҳолашни ҳисобга олишдир.

Тадқиқотда бу гурух беморларда хирургик тактикани танлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган аорта ёйи тармоқлари («Аорта ёйи тармоқларини зарарланиш оғирлигини баҳолаш усули», (21.04.2017й., № IAP 05388) ва оёқ артериялари («Оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини баҳолаш усули», 10.11.2017й., № IAP 05495.) зарарланишини интеграл баҳолаш усуллари қўлланилган. Бу маълумотлар электрон ҳисоблаш дастурини шакллантиришда қўлланилди («Аорта ёйи тармоқлари ва оёқ артериялари қўшма зарарланган беморларни ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш дастури», №DGU 03691; 29.04.2016й.)

Аорта ёйи тармоқлари зарарланиши оғирлигини интеграл баҳолашни яхшилаш учун, беморлар клиник белгилари билан таснифланди, томирлар торайиш даражаси, атеросклеротик пиллакча характери, умуртқа ўмров ости сегментининг ҳолати аниқланди. Аорта ёйи тармоқлари даражаси микдорий кўрсаткичларни аниқлаш учун классификатор натижаси, атеросклеротик пиллакча характери ва торайиш даражаси тавсия этиладиган 1-формулага қўйилади. Маълумотлар 1- формулага қўйилади:

1 - формула ($Ci=d+4c+2St +v+I p$)

бунда: Ci (*Carotid index*)-аорта ёйи тармоқлари зарарланиш индекси; d (*degree*)- классификатор бўйича ишемия даражаси; 4- классификатор бўйича ишемия даражаси билан эквивалентликни тامينлаш мақсадида уйқу артерияси тарайиш даражаси 4 коэффициентга кўпайтирилади; c (*common carotid artery*)- уйқу артерияси торайиш даражаси (масалан; 60% ўрнига фоизсиз 0,6); $2St$ (*Steal syndrome*)- умуртқа ўмров ости синдроми (адабиётларга кўра ҳар бир умуртқа артерияси бош мияни 10% га қон билан таъминлайди, синдром вақтида 10% қон орқага оқади, шунинг учун 2 коэффициент

кўйилган); *v* (*vertebral artery*)- умуртқа ёки умров ости артерияси торайиши даражаси (фоизсиз); *p* (*plague-бляшка*) – асоратланган пилакча (яраланган, тромбланган). Усул ўнг ва чап томон учун алоҳида қўлланилади.

Қуйидагича шакллантирилади: *Cd* (*dextra*) – ўнг; *Cs* (*sinistra*) – чап; *C*-суммар.

Интеграл баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, *Ci* зарарланишининг индекси ХНМК нинг I дан IV боскичигача даражаларига тўғридан-тўғри мутаносиб равишда ортиб боради (3.7-жад). *Ci* кўрсаткичлари ўртача 4,4-4,7 оралиғида эди ва гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан фарқ қилмади (4-жад).

4-жадвал

Аорта ёйи тармоқларининг зарарланиш даражалари кўрсаткичи

ХНМК боскичи	Таққослаш гуруҳи (n=53)				Асосий гуруҳ (n=64)			
	Сi-чап	P<	Сi-ўнг	P<	Сi-чап	P<	Сi-ўнг	P<
I	3,8±0,16		3,85±0,16		3,6±0,17		3,85±0,17	
II	5,6±0,6	0.01	5,3±0,8	0.01	4,9±0,7	0.01	5,7±0,5	0.05
III	5,2±0,3	0.5	5,9±0,55	0.63	6,48±0,4	0.01	6,64±0,5	0.57
IV	6,7±0,36	0.01	6,7±0,4	0.01	6,5±0,36	0.058	8,8±0,4	0.05

Шунингдек, оёқ артериялари учун оёқ артериялари зарарланиш оғирлигини интеграл баҳолаш усулини ҳам ишлаб чиқдик. Бунинг учун:

-беморлар P. Fontaine (1954) классификацияси билан таснифланди;

